



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

2016 yil 30 noyabr

375-son

Guliston sh.

2017 йилда Сирдарё вилояти ҳудудида кўчма савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мазкур қарор Сирдарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 30 ноябрдаги 543-сонли “2018 йилда Сирдарё вилояти ҳудудида кўчма савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2018 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги “Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 233-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6, 14-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилояти ҳудудида 2017 йил давомида амал қиладиган:

вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, Сирдарё вилояти ҳудудида кўчма савдо объектлари орқали сотилиши мумкин бўлган товарларнинг рўйхати 1-иловага;

вилоят Давлат солиқ, ички ишлар, архитектура ва қурилиш бошқармалари ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан келишилган, Сирдарё вилояти туманлари ва шаҳарлари бўйича кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари 2017 йил 1 ноябргача 2018 йил учун ваколатли вилоят ташкилотлари билан келишилган, ўз ҳудудида кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемалари бўйича таклифларини тайёрласинлар ва 10 ноябргача вилоят ҳокимлигига тақдим этсинлар.

3. Вилоят ҳокими ўринбосари Б.Бўронов 2017 йил 1 декабргача туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари тақдим этган 2018 йил учун кўчма савдо объектларининг жойлашиш схемаларини белгиланган тартибда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланишини ташкиллаштирасин.

4. Ушбу қарор маҳаллий ҳокимликларнинг расмий нашрида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарор 2017 йил 1 январдан кучга киради.

6. Ушбу қарор кучга кирган кундан эътиборан Сирдарё вилояти ҳокимининг 2016 йил 7 октябрдаги 315-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ушбу қарорни “Ягона дарча” марказларида кўринарли жойларда, вилоят ҳокимлиги муассислигидаги вилоят “Компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Бурханов) маҳаллий ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминласин.

8. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Бўронов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

О. Ашурматов